

ЎТМИШГА НАЗАР

1 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 1



ТОШКЕНТ-2023

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариш давлат университети

Махкамова Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети


Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети

1. Валишер Элмуродович Абиров ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ: ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА МУНОЗАРА.....	5
2. Жалолиддин Тухташевич Аннаев ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ТАРМИТА-ТЕРМИЗДА БУДДАВИЙЛИК.....	13
3. Феруза Парходовна Атамуратова ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСРЛАР ДАВРИДА ТАРМИТА-ТЕРМИЗ.....	21
4. Мунаввар Абдурашид қизи Атамирзаева МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ.....	28
5. Рашидахон Муқимовна Аҳмедова ЎЗБЕКИСТОН ШИФОБАХШ ЖОЙЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДА ИЛМИЙ ЭКСПЕДИЦИЯЛАР ВА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ....	35
6. Рашидахон Муқимовна Аҳмедова ТУРКИСТОН ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ.....	40
7. Дилафруз Аҳмедова Хусан қизи МАКТУБЛАР МАНБА СИФАТИДА.....	46
8. Oхunjon Axmat o'g'li Boboqulov MUSTAQIL KONGO DAVLATINING SSSR BILAN DIPLOMATIK ALOQALARI (davriy matbuot gazetalari tahlili asosida).....	53
9. Феруза Хаятовна Бобожонова БУХОРОДА МАКТАБ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАРИХИ (XIX АСР ОХИРИ-XX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИ).....	58
10. Omon Olimjonovich Gadayev MUSTAQILLIK YILLARIDA SAMARQAND VILOYATINING DEMOGRAFIK TARIXI.....	65
11. Дилорам Зияева МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЎРТА АСРЛАРДА ЮЗ БЕРГАН УЙҒОНИШ. ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИНГ ЖАҲОН ТАМАДДУНИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	71
12. Farxod Sobirovich Ziyayev TURKISTONDA MUSTABID SOVET TUZUMIGA QARSHI QUROLI HARAKAT.....	77
13. Ubaydulla Mamat o'g'li Ismoilov SUYURLITEPA YODGORLIGI O'RNIDAGI SHAHARNING TARIXIY NOMI XUSUSIDA MULOHAZALAR.....	84

14. Baxtiyor Safarovich Nazirov JADID VAKILLARINING AHOLINI SOG‘LOMLASHTIRISH BORASIDAGI QARASHLARI.....	109
15. Рустам Абдуваид ўгли Неъматов ТУРК ХОҚОНЛИГИ ДАВРИДА ХОРАЗМ ВОҲАСИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	114
16. Дилорам Сангирова ЎРТА АСР ДАВЛАТЧИЛИК РАМЗЛАРИ СЎЗ ВА ТАСВИРДА.....	120
17. Lyudmila Mixaylovna Sokolova ANDIJON, NAMANGAN, FARG‘ONA VILOYATLARIDAGI HUNARMANDLAR USTOZIGA BAG‘ISHLANISH MAROSIMINING IBTIDOSI HAQIDA.....	130
18. Фазилат Нормуродовна Тургунова СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИ ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.....	142
19. Баходир Босимович Тўйчибоев ҚОЯТОШ ЁДГОРЛИКЛАРНИ САҚЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ ХУСУСИДА.....	147
20. Раъно Нортўхтаевна Тўхтаева ЎЗБЕКИСТОНДА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН Кейинги ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ...154	154
21. Dilshod Inomjon o‘g‘li To‘xtasinov NORIN VA QORADARYO ORALIG‘I HUDUDLARINING MANBASHUNOSLIK TAHLILI VA UCHTERA-2 YODGORLIGINING ARXEOLOGIK JIHATDAN O‘RGANILISHI.....	159
22. Mansur Xayrullayevich Fayzullayev XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИГА ДОИР МАСАЛАЛАРНИ ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	170
23. Rashid Mamatkulovich Xolmurodov TARIXIY O‘LKASHUNOSLIK FANINI O‘RGANISHDA SHAROF RASHIDOV MUZEYI MANBALARIDAN FOYDALANISH.....	177
24. Tuyg‘un Rajabovich Ernazarov TURKISTON GENERAL GUBERNATORLIGIDA BOJXONA XIZMATINING TASHKIL ETILISHI VA UNING FAOLIYATIDAN LAVHALAR (Rossiya imperiyasi va Xitoy aloqalari misolida).....	182
25. Бахтиёр Эргашевич Юлдашев, Светлана Владимировна Темирова ЗАРДУШТИЙЛИКНИНГ МУҚАДДАС КИТОБИ “АВЕСТО”ДА СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАР.....	187
26. Алишер Яркулов АРХЕОЛОГИЯ МЕРОСИ ОБЪЕКТЛАРИНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШ ТУРЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ ХУСУСИДА.....	195
27. Abdurahmonova Nodiraxon Xusnutdinovna HUQUQIY MADANIYAT VA DEMOKRATIYA: IJTIMOIIY FALSAFIY YONDASHUVLAR VA KONSEPSIYALAR.....	202



Валишер Элмуродович Абиров,

Тошкент давлат шарқшунослик университети

ўқитувчиси

abirovvalisher@gmail.com

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ: ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА МУНОЗАРА

For citation: Valisher E. Abirov, THE FORMATION OF THE UZBEK PEOPLE: SCIENTIFIC AND THEORETICAL APPROACHES AND DISCUSSION. Look to the past. 2023, Special issue 1, pp.5-12

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8072189>

АННОТАЦИЯ

Мақолада ўзбек халқининг шаклланиши ҳақидаги илмий-назарий ёндашувлар, муаммоли ва баҳсли масалалари ҳақида сўз юритилади. Жаҳон ва Ўзбекистон илм-фанида халқнинг келиб чиқиши масаласини ўрганишига доир назарий – методологик қарашлар таҳлил қилинади. Мустақиллик йилларида ўзбек халқининг шаклланиши маҳаллий олимлар томонидан кенг ўрганилди. Мавзуни ўрганишга оид бир қатор концепциялар, қарашлар ва фикрлар шаклланди. Бироқ масаланинг муаммоли ва мунозарали томонлари ханузгача сақланиб қолмоқда. Сўнгги йилларда маҳаллий олимлар бу масалани ўрганишдан чекинган бўлсада, кенг жамоатчиликда ўзининг келиб чиқишига қизиқиш ва тортишувлар содир бўлаётганини кузатиш мумкин.

Калит сўзлар: ўзбек, халқ, этнос, этногенез, этник тарих, туркий қавмлар, назария, концепция, илмий қараш.

Валишер Элмуродович Абиров,

преподаватель Ташкентского государственного

университета востоковедения

abirovvalisher@gmail.com

ФОРМИРОВАНИЕ УЗБЕКСКОГО НАРОДА: НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ И ДИСКУССИЯ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается о научно-теоретических подходах к формированию узбекского народа, проблемных и дискуссионных вопросах. Анализируются теоретико-методологические взгляды на изучение происхождения нации в мировой и узбекской науке. В годы независимости формирование узбекского народа широко изучалось местными учеными. Сформировался ряд концепций, взглядов и мнений относительно изучения предмета. Однако проблемные и спорные аспекты вопроса все же остаются. В последние

годы отечественные ученые отошли от изучения этого вопроса, но можно заметить, что широкая общественность интересуется и спорит о его происхождении.

Ключевые слова: узбек, народ, этнос, этногенез, этническая история, тюркские народы, теория, концепция, научный взгляд.

Valisher E. Abirov,

Teacher, Tashkent State University of Oriental Studies,
abirovvalisher@gmail.com

THE FORMATION OF THE UZBEK PEOPLE: SCIENTIFIC AND THEORETICAL APPROACHES AND DISCUSSION

ABSTRACT

The article examines about the scientific-theoretical approaches to the formation of the Uzbek people, problematic and controversial issues. The theoretical-methodological views on the study of the origin of the nation in world and Uzbek science are analyzed. In the years of independence, the formation of the Uzbek people was widely studied by local scientists. A number of concepts, views and opinions regarding the study of the subject have been formed. However, problematic and controversial aspects of the issue still remain. In recent years, local scholars have retreated from the study of this issue, but it can be observed that the general public is interested and debated about its origin.

Index Terms: Uzbek, people, ethnos, ethnogenesis, ethnic history, turkic tribes, theory, concept, scientific view.

1. Долзарблиги:

Асрлар давомида жаҳонда илм-фан тараққиёти билан бир қаторда инсониятнинг келиб чиқиши, унинг қонуниятларини ўрганишга бўлган қизиқиш ҳам ортиб борган. Бу қизиқишнинг ортиши баробарида инсониятнинг шаклланишига доир қарашларнинг, ёндашув ва назарияларнинг, турли илмий тадқиқот марказларининг шаклланиши жараёни юз берди. Дунёнинг турли давлатларида ҳукм сураётган ўзаро фарқли бошқарув тизимлари ва улар ўртасидаги қарама-қаршиликлар инсониятнинг шаклланишига бўлган ёндашувнинг ҳам турлича бўлишига ўз таъсирини ўтказди.

Бугунги кунда жаҳон муҳим ўринга эга бўлган Ўзбекистоннинг тарихини холис ўрганиш ва ҳозирги замон тарих фанида долзарб бўлган тадқиқот иши саналади. “Мамлакатимиз тоталитар тизимдан воз кечиб, мустақил тараққиёт йўлини танлади, қўплаб қийинчилик ва синовлардан ўтиб, тарихан қисқа даврда жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллади”[1]. Ўзбек халқи мустақилликка эришгандан сўнг, ўз тарихи ва маданиятини, айниқса, ўзининг келиб чиқиш тарихини ҳаққоний билишга интилиши кучайди. Ўзбек халқининг тарихий илдизлари қайси даврдан бошланади? қайерда пайдо бўлган? қайси этник таркиблардан ташкил топган? унинг шаклланиш жараёни, қиёфаси, этноними каби масалалар долзарб масала сифатида кўтарилди. Албатта ўзбек халқининг шаклланиш жараёни ҳақида ўтган асрдан бошлаб тарихчи, этнограф, археолог, антрополог, манбашунос ва бошқа соҳа олимлар ўз изланишларида ёритилиб келди. Таъкидлаш жоизки, совет даври ёзилган ушбу асарлар назарий жиҳатдан марказ томонидан фанда белгилаб берилган “қолиплар” доирасидан чиқа олмаган.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мазкур мақола тарихий-генетик, ретроспектив, муаммовий-хронологик, диахрон, тарихий таққослаш, тарихий тизимлилиқ каби методларга таяниб ёзилган. Муаммога оид тадқиқотлар объективлик, тарихийлик, изчиллик, ҳаққонийлик тамойиллари асосида ёритилиб, тизимли таҳлил қилиш этилган. Мавзуга доир концепциялар ва адабиётларни таснифлаш, илмий қараш ва фикрларни аниқлаш, холислигига эътибор қаратиш, муаллифнинг муаммога доир ёндашувини аниқлаш каби вазифалар асосида тарихшунослик

жиҳатидан баён этилган. Муаммога доир муаллифнинг илмий қарашлари, ёндашув ва фикрлари ўрин эгаллаган.

Мавзуга оид тадқиқотларни даврий тамойилга кўра совет ва мустақиллик босқичларига ажратиб таҳлил қилиш мумкин. Совет даврида ўзбекхалқининг келиб чиқиши билан боғлиқ тарихий-этнографик, археологик, антропологик ва манбашунослик тадқиқотлар В. Бартольд, А. Якубовский, С. Толстов, Л. Ошанин, А. Семёнов, Б. Кармышева, Ҳ. Зияев, М. Ваҳобов, Б. Аҳмедов, М. Эрматов, К. Шониёзов, И. Жабборов, А. Асқаров, В. Алексеев, Т. Ходжайов ва бир қатор олимлар томонидан олиб борилди. Мустақиллик йилларида эса бу масалани Б. Аҳмедов, И. Жабборов, Т. Ходжайов, Г. Ходжайова, А. Асқаров, К. Шониёзов, Д. Ҳошимова, А. Дониёров, А. Илҳомов, Ш. Камолиддин, А. Хўжаев, Ғ. Бобоёров, Х. Мамадалиев, У. Абдуллаев, А. Аширов, А. Маликов, И. Хўжахонов, О. Бўриев, Э. Асанов, О. Иномов ва бошқа тадқиқотчилар асарларида кўришимиз мумкин.

3. Тадқиқот натижалари:

Ҳозирги вақтда халқларнинг шаклланишига доир қуйидаги асосий назарий-методологик ёндашувлар мавжуд:

1. **Примордиализм** (лотинча “primordial” – “ибтидоий”, “дастлабки”, “бошланғич”) ёки **эссенциализм** йўналиши. Мазкур йўналиш этнологияда кенг тарқалган назариялардан бўлиб, унинг тарафдорлари таъкидлашича, этнос ёки этниклик табиатда ёки жамиятда объектив асосга эга бўлган аниқ феномендир[2]. Яъни, примордиалистларнинг деярли барча ғоялари халқнинг ўз-ўзидан, ташқи таъсир ва конструкцияларсиз ривожланганига ишора қилади. Ушбу йўналишнинг йирик намоёндаларига ғарб олимларидан: К. Гирц (С. Geertz), Э. Вулф (Е. Wolf), Р. Гамбино (R. Gambino), У. Коннор (W. Connor), А. Грили (A. Greely), Т. Парсонс (T. Parsons), П. ван ден Берг (Pierre L. van den Berghe), А. Уоллес (A. Wallace), палеонтолог Дж. Симпсон (G. Simpson), социолог Дж. Ёингер (J. Yinger); рус этнограф ва тарихчи олимларидан: С. Широкогоров, Л. Гумилёв, Ю. Бромлей; маҳаллий олимлардан: К. Шониёзов, А. Асқаров, У. Абдуллаев, И. Жабборов кабиларни киритиш мумкин.

Примордиализм назарияси Совет иттифоқи ҳудудида кенг тарқалган ва барча иттифокдош республикалар ижтимоий фанларида етакчи ўринга эга бўлганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Примордиализм тарафдорлари ўртасида ҳам маълум бир фарқли қарашларга эга бўлган гуруҳ вакиллари шаклланган.

П. Ван ден Берге, Л. Гумилев, А. Коркмазов, М. Мнацаканян каби примордиализм назариясининг социобиологик ёндашув тарафдорлари этник ҳодисани объектив, инсониятга хос, яъни бирламчи хусусият деб биладилар. Бу хусусият инсониятнинг ривожланиши билан бир вақтда, ўз гуруҳи вакиллари тан олишнинг табиий эҳтиёжи сифатида пайдо бўлган. Яъни, ўз гуруҳ аъзоларини таниб олиш қобилияти дастлабки генетик код сифатида инсон онгига хосдир. Шу муносабат билан табиий тенденция тарафдорлари этникликни “кенгайтирилган қариндошлик гуруҳи” ёки “қариндошлик танлаш ва боғланишнинг кенгайтирилган шакли” сифатида талқин қиладилар[3]. Америкалик антрополог П. Ван ден Берге[4] этник келиб чиқишни инсоннинг қариндош-уруғларни танлашга ирсий мойиллиги (“непотизм”) натижаси сифатида қабул қилишни таклиф қилган. Уни “қариндошликнинг кенгайтирилган шакли” деб таърифлаб, инсоният жамиятлари ҳажмининг тобора ортиб бориши билан этноснинг чегаралари кенгайиб бора бошлаган. Олимнинг фикрича, жамиятда содир бўлаётган кўплаб воқеа-ҳодисалар инсоннинг биологик эҳтиёжига асосан содир бўлади. Унинг жамият шаклланишини биологик жиҳатлар билан боғланиши кейинчалик кўплаб танқидларга сабаб бўлган.

Л. Гумилев таклифига кўра, этник тизимларнинг уч босқичи мавжуд деб ҳисобланади: *суперэтнос*, *этнос*, *субэтнос*, *конвиксия* ва *консорция*. Этник муносабатларнинг ҳам уч шакли ажратилиб: *химера*, *ксения* ва *симбиоз* босқичларга бўлинган. Олим қарашларининг маркази сифатида – *пассионарлик* жиҳати олинган бўлиб, пассионар (жамият ёки ўз этноси ривож учун бор жон-жаҳди билан кураш олиб борувчи, ҳатто ўзини қўрбон қилувчи вакиллар) бўлган шахс ёки шахслар гуруҳи доимий равишда жамият таркибида мавжуд ҳисобланиб, шу жамиятнинг ёки этноснинг маълум босқичида ривожланиши учун туртки бера олади.

Примордиалистик ёндашувнинг иккинчи эволюцион-тарихий йўналиши вакиллари ғарбда: Х. Айзекс, К. Блу, К. Гирц, Э. Шилз; Совет давлатида: С. Широкогоров, Ю. Бромлей, С. Рыбаков; Ўзбекистонда: К. Шониезов, А. Асқаров, У. Абдуллаев ва бошқалар ҳисобланади. Ушбу гуруҳ тадқиқотчиларининг фикрича, этник ҳодиса тарихий ўзгаришларга боғлиқ. Ижтимоий жамоалар ўз тили, моддий маданияти, ўзига хослигига эга бўлган гуруҳлар сифатида қаралади, шунинг учун улар бошқа ижтимоий жамоалардан ажралиб туради.

Россияда “этнос”ларга оид қарашларнинг илк муаллифлари ҳисобланган Н. Могилянский (1871-1933) ва С. Широкогоров (1887-1939) ўз вақтида Ф. Волковнинг тадқиқотларидан илҳомланган. Айниқса Н.Могилянский Ф. Волковнинг ишларидан қаттиқ таъсирланган. Бунга уларнинг бир ҳудуд, яъни украиналик бўлгани, Украина миллий ҳаракати вакиллари ҳисоблангани ҳам таъсир кўрсатган бўлса ажаб эмас. Ф. Волков ўз асарларида украинларнинг алоҳида этнос бўлгани, жисмоний антропологик жиҳатдан аралаш бўлмаган қабиладан шакллангани, ташқи таъсирга кам учраб, қадимги славян этнографик жиҳатларини ўзида сақлаган ҳолда болгар ва сербларга энг яқин этнос эканлигини исботлашга ҳаракат қилган. Унинг хулосалари ва қарашларини Н. Могилянский тўлиқ қўллаб-қувватлаган[5]. Кўриниб турибдики, “этнос” ҳақидаги илк қарашларнинг ўзида бирор-бир халқнинг уникаллиги, ўзига хослиги, бошқалардан фарқланишини бўрттириб кўрсатишга бўлган асос мужассам этилган. Бу ҳолат вақт ўтиши билан “этноцентризм” ғояларининг ривожига сабаб бўлган.

Примордиализмнинг эволюцион-тарихий йўналиши жаҳон илм-фанида XX асрнинг 60-70 йилларигача, совет илм-фанида XX асрнинг 90 йилларигача ҳукмронлик қилган бўлса, маҳаллий фанимизда ҳозиргача етакчи ўринда турибди.

Этнология ва антропология фанида кўп йиллардан бери муҳокамалари тўхтамаётган масалалардан бири бу – “этнос” атамаси ва унинг ўзида мужассам этган маъноси ҳисобланади. “Этнос” атамаси ва унинг моҳияти, чегаралари, ўзгармас ва ўзгарувчан қисмлари яқдил таърифга, ўлчамга эга эмас. “Этник” сифатлари таърифи инглиз тилида XV асрда қўлланила бошлиниб, асосан насроний ёки яҳудий бўлмаган гуруҳларнинг хусусиятларини билдирган. Ўша пайтда этник атама “мажусий” ёки “бутпараст” каби сўзларга тенг бўлган. Этнос ва унинг таърифлари, зарурати юзасидан муҳокамалар якунига етгани йўқ. Олимларнинг бу масалага бўлган ёндашувлари давр ўтгани сари ўзгариб бормокда. Кимдир этнос ва этниклик жиҳатлари ўзликни англашдаги муҳим восита деб ҳисобласа, бошқалар уни “этноцентризм”, кейинчалик “национализмга”, яъни миллатчиликка олиб келиши мумкин бўлган хавфли восита деб ҳисоблайди. Совет этнография фанида етакчиликни қўлга киритган ва олимларнинг ҳаракати билан бутун иттифоқ давлатларида сингдирилган “этнос назарияси” фақатгина XX асрнинг 80 йиллари охирида қайта кўриб чиқилиб, ҳам методологик жиҳатдан, ҳам сиёсий жиҳатдан танқидга учрай бошлади. “Этнос назарияси”нинг салбий оқибати сифатида қайта қуриш йилларида бўлиб ўтган турли этник можаролар асос қилиб олинди. Ҳатто “этнос назария”си шакллантирилиб, давлатнинг халқни ўрганишга оид қарашларида асосий ёндашувга айлантирилган бу назария рус олимларининг янги авлоди томонидан “хавфли” деб аталиб, оммавий ва академик доирадан чиқариб ташлаш таклиф қилинди[6].

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида ҳам маҳаллий олимлар томонидан ўзбек халқининг келиб чиқиши билан боғлиқ тадқиқотларни “совет даври” назариялари ва мафкураларидан ҳоли ўрганиш қайта-қайта такрорлансада, бироқ шу вақтгача масала доирасидаги асарлар, илмий изланишлар деярли “этнос назарияси” қолипида олиб борилган.

2. **Конструктивизм** (лотинча “constructo” – “қурилиш”, “тузилиш”) назарияси тарафдорлари умуман “этнос” тушунчаси, унинг тарихий тамойиллари, ўз-ўзидан эволюцион равишда шаклланиши, бу жараённинг табиий равишда кечишига оид фикрларни буткул рад этади. Бу ёндашув тарафдорларининг асосий ғоялари ҳар бир халқнинг ёки миллатнинг шаклланишида албатта ташқи таъсир, маълум белги, қонун-қоидалар, урф-одат нормаларининг таъсирини бирламчи аҳамиятга эга бўлганини очиб бериш атрофида қурилган. Дунёда бу йўналиш тарафдорлари етарлича бўлиб, улар қаторида ғарблик олимлар: Б. Андерсон (Benedict Anderson), Э. Геллнер (Ernest Gellner), Ф. Барт (Fredrik Barth), Э. Хобсбаум

(Eric John Ernest Hobsbawm); совет ва рус олимларидан: В. Тишков, В. Воронков, В. Малахов, С. Кардинская, Е. Белкова, Ю. Олейникова, С. Мадюкова, К. Резникова; маҳаллий тадқиқотчилардан бу ёндашув остида йирик ва жиддий олиб чиқилган тадқиқотлар бўлмасада, А. Илҳомов, В. Хан, И. Хўжахонов, М. Аскаров, Ё. Ортиқов ва бошқаларнинг айрим фикрлари ушбу ёндашувга мос дейишимиз мумкин. Мавзуга бевоста алоқадор сифатида А. Илҳомовнинг 2002 йилда “Открытое Общество” Институтининг гранти асосида тайёрланган “Этнический атлас Узбекистана” илмий тўпламида “Археология узбекской идентичности” деб номланган мақоласи кўрсатишимиз мумкин. Муаллиф, ўзбек халқи этногенези масаласини XVI аср бошларида Ўрта Осиёга дашти-кипчоқ кўчманчи ўзбекларининг кўчиб келиши, “чиғатойлар” номи остидаги маҳаллий турк қабилалари ва ўғуз турк қабилалари, “сартлар”, яъни кўчманчи турмуш тарзидан узоқлашган, қабилавий алоқаларини йўқотган туркийзабон, асосан шаҳар аҳолиси ҳамда туркийлашган тожиклар кўшилиши билан боғлайди. А. Илҳомовнинг ўзбек халқи этногенези, этник тарихи ва этноними ҳақидаги фикрлари кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлди. Чунки, унинг фикрлари йиллар давомида ўзбек элшунослигида етакчи бўлган, шубҳа остига олинмайдиган “этнос назарияси” ва “миллий автохтонизм” илмий натижаларини шубҳа остига қўйди. Ўзбек элшунослигида муҳолиф фикр, назариялар пайдо бўлишига йўл қўйилмади. Натижада давр, мамлакатнинг халқ тарихига бўлган ёндашуви, белгилаб берилган назарий кўрсатмалар устун келиб, “этнос назарияси” яна ғолиб бўлди ва бугунги кунгача ҳам ўз таъсирини йўқотмай келмоқда.

Конструктивизм учун этниклик онг масаласидир, этник гуруҳга мансублик шахснинг бу гуруҳ нима эканлигини қандай тасаввур қилишига боғлиқ[7]. Этник чегаранинг рамзи (символи), унинг шартли хусусияти сифатида қаралади. Ғарб тадқиқотчиларининг қарашларига кўра, этник чегаралар мослашувчан бўлиб, “биз – улар” кўринишидаги муносабат айрим гуруҳларнинг бошқалардан фарқини аниқлашга хизмат қилади[8]. Бу ёндашувнинг классик тадқиқотчилари Макс Вебер, Карл Густав Юнг, Маргарет Меад, Георг Симмел, Эрик Эриксон, Карл Маннхайм, Фредрик Барт ва Герберт Ганс кабилар этниклик назариясининг Европа ва АҚШ бўйлаб кенг ёйилишига катта ҳисса қўшган. Гарвард университетининг профессори Вернер Макс Соллорс (Werner Max Sollors) “*Theories of ethnicity: A classical reader*”[9] асарида конструктивизм талқинида этниклик моҳияти ва ижтимоий ролини кўрсатиб беришга ҳаракат қилган.

Ўзбекистон этнологиясида конструктивизм ёндашуви асосида масалани бевосита тадқиқ этган тадқиқотчилар санокли бўлса-да, ўз илмий ишларида ушбу назарий қарашлардан фойдаланиб келаётган илмий изланувчилар ортиб бораётганини кўриш мумкин. Бу эса маҳаллий тадқиқотчиларнинг Европа ва АҚШда ривож топган илмий назарияларни тобора чуқурроқ ўргана бошлагани, масаланинг моҳиятини тушунган ҳолда “этнос назарияси” ҳам маънан, ҳам методологик жиҳатдан эскиргани, замонавий ҳодисаларни тушуниб етишда кўпроқ конструктивизмга асосланган қарашлар мос тушишини англай бошлаганидан далолат беради.

3. **Инструментализм** (лотинча “instrumentum” – “восита”, “қурол”) америкалик файласуф Жон Дьюи (John Dewey) (1859-1952) ёндашуви бўлиб, унга кўра тасвирлар, тушунчалар ва назариялар амалий натижага эришиш, атроф-муҳитга мослашиш учун восита, қурол сифатида талқин этилади. Бу ёндашув тарафдорлари турли халқ ёки миллатнинг шаклланишида ҳукумат, давлат бошқарув органлари ёки етакчи шахслар томонидан олиб борилган сиёсат асосий восита бўлиб хизмат қилган, деган қарашлар атрофида бирлашган. Инструментализм йўналиши вакиллари А. Коен (Abner Cohen), Н. Глейзер (Nathan Glazer), А. Петерсон-Ройс (Anyu Peterson Royce), Д. Мойнихэн (Daniel Patrick Moynihan), Дж. Нейджел (Joane Nagel), Д. Горовиц (Donald L. Horowitz), С. Олзак (Susan Olzak), Дж. Де Вос (George De Vos) каби хорижлик, М. Губогло, Л. Дробижева, З. Сикевич, В. Ядов ва бошқа рус тадқиқотчиларини киритиш мумкин.

Инструментализм қуйидаги позициядан келиб чиқади: этнос ва этниклик мавжуд, яъни улар маълум мақсадларга хизмат қилади ва шахснинг ўзига хос манфаатлари, унинг жамиятда яшашини осонлаштиради. Миллат, элита томонидан миллатлараро муносабатларни тартибга

солиш учун фойдаланиладиган воситадир. Шунингдек, аҳолини ҳокимият учун курашга сафарбар қилиш воситаси сифатида қаралади, шунинг учун “мобилизация” атамаси ҳам ишлатилади[10]. Ҳар сафар этник мансублик, хоҳ элитанинг, хоҳ бир шахснинг манфаати учун фойдаланилганда, вазиятга қараб белгиланади, шунинг учун “ситуационизм” атамаси ҳам қўлланилади. Инструменталистик ёндашув тарафдорлари жамиятдаги инсонлар гуруҳлари ўртасидаги тафовутлар ҳар бир гуруҳнинг этник ўзига хослигини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкинлигидан келиб чиқди, бу эса, ўз навбатида, гуруҳлар аро муносабатларнинг моҳиятини белгилаб, этник гуруҳларни ҳаракатга келтиради. Шунинг учун, инструменталистик тушунчалар кўпинча этникликни бегоналашувни енгиш ва этник тенгликни тиклашнинг самарали воситаси, ижтимоий вазиятни барқарорлаштириш курали сифатида талқин қилувчи ижтимоий-психологик қарашларга асосланади.

Примордиализм ёндашувидан фарқли ўлароқ, инструментализм этник келиб чиқишининг объектив асосларини излашга эмас, балки жамият ва этнос томонидан бажариладиган функцияларни аниқлашга интилади. Инструменталистлар этник келиб чиқишини ҳақиқат деб билишади, лекин бу улар учун етакчи ва асосий ғоя эмас. Шунинг учун, инструментализм тарафдорлари этнос ва этниклик, шахс ёки гуруҳнинг эҳтиёжларини қандай қондириши, уларнинг мақсад ва манфаатларини рўёбга чиқариши, этник гуруҳнинг мавжудлиги учун объектив асос борми? – деган саволга қизиқмайди. Бир қатор олимлар инструментализмни мустақил ёндашув сифатида белгилайдилар. Бироқ, баъзи таҳлилчилар инструментализмни конструктивизмнинг кичик ёндашуви деб, уни конструктивизмнинг тегишли тармоғи сифатида қабул қилишган. Инструментализм этник манфаатларни тор тушуниш, фақат иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан баҳолаш, шунингдек, этник гуруҳларни манфаатлар нуқтаи назаридан гуруҳлар ва синфларга ажратиб аниқлаганлиги учун танқид қилинади.

Юкорида келтирилган уч асосий илмий назария бугунги кунда ҳам этнология ва антропология соҳасида ўз ўрнини сақлаб қолмоқда. Фақатгина замонавий ғарб тадқиқотларининг ривож билан боғлиқ равишда “неоконсерватизм”, “постмодернизм”, “этносимволизм” каби янги йўналишлар шаклланиб, аввалги илмий назарий қарашларни яшовчанлик ва даврга мослашувчанлик қобилиятини текширган ҳолда уларнинг маълум камчиликларини бартараф этишга ҳаракат қилган. “Космология” назарияси тарафдорлари кўпроқ зиёли аҳоли орасида тарқалган бўлиб, улар фикрича, бутун ер аҳолиси мавжуд планета одамлари сифатида яшашни қабул қилиш кераклигини исташади. Этник келиб чиқиши, ирқ, тил, маданият, дин, ҳудудий чегаралар инсоннинг яшаш турмуш тарзида оддий тарихий жараён сифатида қаралиб, инсонлар тафаккурида “ер сайёраси” одами сифатида онгий қабул қилинишини уқтиришади. Бундан ташқари, яна кўплаб янги назарий-методологик қарашлар шаклланиб, уларнинг барчасини негизда жамиятнинг мавжуд муаммоларини енгиб ўтиш, халқлар ўртасида низоларни бартараф этиш, халқларга оид стереотиплардан воз кечиш, турли ижтимоий гуруҳлар орасидаги зиддиятларни тинч йўл билан ечишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ушбу келтирилган жадвалда этнология ва антропология фанида халқларнинг шаклланишига оид қарашларнинг ютуқ ва камчиликларини қиёсий тарзда кўрсатиб берилди. (Қаранг: Жадвал №1.)

Жадвал №1

Халқнинг келиб чиқиш тарихини ёндашувлар кесимида ўрганиш	
Ютуқлари	Камчиликлари
I. Примордиализм	

Этногенез нуқтасини, этник тарих босқичларини аниқлаш. Халқнинг этномаданий жараёнларини чуқур ўрганиш, халқнинг шаклланган даврини далиллаштириш.	Халқ энтогенезининг бошланғич нуқтасини қидириш, уни сунъий қадимийлаштириш, минтақада халқлар “қадимийлиги” борасидаги мунозаранинг давом этиши.
II. Конструктивизм	
Шахснинг идроки ва мақсадини асосий мезон сифатида белгилаш. Этник келиб чиқишни шахснинг “этник мансублик” ва “хулқ-атвори” келиб чиқиб аниқлаш	Халқ шаклланишини ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида қараш, халқнинг этно-миллий тарихи, тарихий-маданий хусусиятлари, тарихий воқелигидан воз кечилиши.
III. Инструментализм	
Этник гуруҳларнинг этник келиб чиқиши мавжуд бўлса, уларнинг жамиятдаги ҳаётига кўмаклашиш. Индивидуал ва жамоавий ҳаётнинг барча мақсадлари ва ўзига хос манфаатларини ҳисобга олиш.	Шахс ва этник гуруҳ масалаларига ечим қидириш жараёнида унинг келиб чиқиш ўзақларини ҳисобга олмаслик, этно-тарихий нуқтаи назардан эмас, объектив воқеликдан келиб чиқиш.

4. Хулосалар:

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда “этнос назарияси” ва унинг тарафдорлари Россия федерацияси ва унинг ташқарисида ҳам ҳамон мавжуд. Хусусан, Ўзбекистон этнологиясида ҳам бу назариянинг изларини учратиш мумкин. Чунки, айнан шу этнологик назария асосида тарбияланган ва тадқиқотлар олиб борган археолог ҳамда этнолог олимлар ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Уларнинг масалага бўлган қарашларида мустақилликнинг 30 йиллигидан сўнг ҳам деярли ўзгаришлар кузатилмади. Этнологик тадқиқотларда эса советча протекционизм, яъни ўз қарашларини ҳимоя қилиш ҳолати ҳамон етакчи бўлиб, имкон қадар ғарбда ривожланган ва дунёнинг катта қисм олимлари томонидан қўллаб-қувватланган янги илмий назариялар инкор қилинмоқда. Ижтимоий ва маданий антропологиянинг янги назарияларини этнология соҳасига олиб кирмоқчи бўлган санокли тадқиқотчилар эса ўзбек халқининг қадимий тарихини инкор этишда, ғарбчиликда, ноилмий қарашларни қўллаб-қувватлашда айбланмоқда. Йиллар давомида янги тадқиқотлар, назариялар, танқидлардан “қўрқув ҳисси” Ўзбекистон этнологиясини ривожлантиришга, илм-фанга инновациялар ва янги қарашларни олиб киришга, бу соҳани ҳам инсон ва унинг жамиятдаги ўрнини кўрсатиб берувчи замонавий фанга айлантиришга тўсқинлик қилиб келмоқда.

Замонавий Ўзбекистон шароитида Европа ва АҚШда яхши ривож топган, назарий-методологик жиҳатдан анча кенг тадқиқ қилинган ёндашувларни маҳаллий илф-фанга олиб кирилиши жуда муҳим. Чунки факатгина рақобат, карама-қарши фикрлар ва илмий мунозара бўлган шароитда миллий менталитет, ўзбекона руҳ ва қадимий маданий меросни ўзида мужассам эта оладиган, шу билан бирга, халқнинг бугунги кундаги юзага келган замонавий муаммоларига ечиб топиб бера оладиган, мажбурий “қолипларга” солинмаган, ёш авлодни фикрлашга ва янгича хулосалар чиқаришга ундайдиган ёндашувни шакллантириш имкони

пайдо бўлади. Акс ҳолда ўзбек этнологияси яна узоқ йиллар давомида фақатгина ўтмиш ҳаётининг тавсифи, ўз тарихини қадимийлаштириш, совет даври меросидан воз кечишга чақирувчи, аммо амалда советча “этнос назарияси”дан воз кечмаган фан сифатида сақланиб қолишга мажбур бўлади.

Иктибослар/ Сноски/ References:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон. 2017. – Б. 4-5. (1. Mirziyoev Sh.M. We will resolutely continue our path of national development and take it to a new level. – Tashkent: Uzbekistan. 2017. – Pp. 4-5.)
2. Ashirov A. Etnologiya. O‘quv qo‘llanma. Ikkinchi nashr. – Toshkent: YANGI NASHR, 2014. – В. 134. (Ashirov A. Ethnology. Study guide. Second edition. – Tashkent: YANGI NASHR, 2014. – P. 134)
3. Орлова Э. А. Культурная (социальная) антропология. – М.: Академический Проект, 2004. – 480 с. (Orlova E. A. Cultural (social) anthropology. - Moscow: Академический Проект, 2004. – 480 p.)
4. Van den Berghe P. The Ethnis Phenomenon. – New York: Oxford University Press, 1981. – 301 p.
5. Алымов С. С. Украинские корни теории этноса // Этнографическое обозрение, 2017. – № 5. – С. 67–84. (Alymov S. S. Ukrainian roots of the theory of ethnos // Ethnographic Review, 2017. - No. 5. – Pp. 67–84.)
6. Тишков В. А. От этноса к этничности и после // Этнографическое обозрение, 2016. – № 5. – С. 5–22. (Tishkov V. A. From ethnos to ethnicity and after // Ethnographic Review, 2016. - No. 5. – Pp. 5–22.)
7. Садохин А. П., Грушевицкая Т. Г. Этнология: учеб. для студ. высш. учеб. заведений. – М.: Академия; Высшая школа, 2000. – С. 52–53. (Sadokhin A.P., Grushevitskaya T.G. Ethnology: textbook. for stud. higher textbook establishments. - М.: Академия; Высшая школа, 2000. – Pp. 52–53.)
8. Dennis C. Duling. Ethnicity, Ethnocentrism, and the Matthean Ethnos / Dennis C. Duling // Biblical Theology Bulletin: A Journal of Bible and Theology. 2005. – Pp. 125-143.
9. Sollors W. *Theories of ethnicity: A classical reader*. – New York: New York University Press, 1996. – 356 p.
10. Стефаненко Т. Г. Этнопсихология: Учебник для вузов. – 4-е изд., испр. и доп. – М.: Аспект Пресс, 2009. – С. 11. (Stefanenko T. G. Ethnopsychology: Textbook for universities. - 4th ed., Rev. and additional – М.: Аспект Пресс, 2009. – P. 11.)

ЎТМИШГА НАЗАР

1 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 1

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000